



Р Е Ш Е Н И Е

КЕНГАША НАРОДНЫХ
ДЕПУТАТОВ
НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Q A R O R I

27 декабрь 2013 у (г)

№ XXVI/187

Navoiy sh. Навоий ш.

**Вилоятдаги айрим аҳоли пунктларини
тузиш, тугатиш, чегараларини
ўзгартириш, аҳоли пункти, шаҳарчалар
туркумига киритиш тўғрисида**

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 3, 6, 12-моддаларига асосан шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан ҳудудларидаги айрим аҳоли пунктларини тузиш, тугатиш, бирлаштириш ҳамда аҳоли пунктлари, шаҳарчалар туркумига ўтказиш тўғрисидаги илтимосномаларни муҳокама қилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XXVI сессияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қуйидагилар:

1.1. Конимех тумани ҳокимининг:

Янгиобод ҚФЙ таркибидаги “Кунебод” ва “Кунебод 2” қишлоқ аҳоли пунктларини бирлаштириб “Кунебод” деб номлаш; “Янгиобод” ҚФЙ таркибидаги “Комплекс” қишлоқ аҳоли пунктини тугатиб “Кунебод” қишлоқ аҳоли пунктига қўшиш; Қарағата ҚФЙ таркибидаги “Шонтибай” овулини тугатиб “Шенгелди” овулига қўшиш;

“Даугизтау” кўрғони(посёлка)ни – “Даугизтау” аҳоли пункти туркумига киритиш;

1.2. Қизилтепа тумани ҳокимининг:

“Оқ олтин” ҚФЙ таркибидаги “Ғитти” ва “Милтиқчи” қишлоқ аҳоли пунктларини бирлаштириб “Гулистон”; “Ванғози” ҚФЙ таркибидаги “Юқори ва Қуйи Қарсемон” қишлоқ аҳоли пунктларини бирлаштириб “Қарсемон” номини бериш;

1.3. Учқудуқ тумани ҳокимининг:

“Букантау” кўрғони(посёлка)ни – “Букантау” аҳоли пункти;

“Базар Жирау” массивини – “Истиклол” аҳоли пункти туркумига киритиш;

1.4. Кармана тумани ҳокимининг:

“Маликработ” кўрғони (посёлка)ни – “Маликработ” шаҳарчаси;
“Фарҳод” кўрғони (посёлка)ни – “Фарҳод” шаҳарчаси;
“Ширин” кўрғони (посёлка)ни – “Ширин” шаҳарчаси;
“Қалдирғоч” массивини – “Қалдирғоч” аҳоли пункти;
“Дўстлик” массивини – “Дўстлик” аҳоли пункти туркумига киритиш;

1.5. Навоий шаҳар ҳокимининг:

“Спутник” кўрғони (посёлка)ни – “Ишчилар” шаҳарчаси;
“Умид” кўрғони (посёлка)ни – “Умид” шаҳарчаси туркумига киритиш
юзасидан берилган илтимосномалари маъқуллансин.

2. Вилоят статистика бошқармаси (Рўзиев), вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Турсунов), вилоят давлат архитектура ва қурилиш бошқармаси (Худойқулов) ва бошқа тегишли мутассадди давлат органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари амалдаги тартибда тузилган, тугатилган, чегаралари ўзгартирилган, аҳоли пункти, шаҳарчалар туркумига ўтказилган аҳоли пунктларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Турсунов) тузилган, тугатилган, чегаралари ўзгартирилган, аҳоли пункти, шаҳарчалар туркумига ўтказилган аҳоли пунктларида фуқаролик паспортларига, йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

4. Юқорида кўрсатиб ўтилган туман ва шаҳар ҳокимликлари аҳоли пунктларининг тузилиши, тугатилиши, чегаралари ўзгартирилиши, аҳоли пункти, шаҳарчалар туркумига ўтказилиши муносабати билан тегишли ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширсин.

5. Ушбу қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Эшонқулов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Раззоқов), вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси (Ҳайдаров) ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Э.Турдимов